

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА  
РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ МОҲИЯТИ ҲАМДА ШАХСНИНГ  
КОНСТИТУЦИОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ

*Аълохонов Мухаммадмирзохон Адхамхон ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-босқич курсанти*

**Аннотация:** Мақолада судга қадар иш юритиш босқичида расмийлаштирилмаган процессуал ҳужжатларнинг жиноят ишларини тергов қилиш жараёнларидаги аҳамияти ҳамда далилларнинг процессуал шаклда қайд этишда шахсларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган ҳамда мавжуд муаммолар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** судга қадар иш юритиш, процессуал ҳужжатлар, далилларни қайд этиш, далилларни мустаҳкамлаш, далилларни процессуал расмийлаштириш, ҳуқуқ нормаларини қўллаш.

THE SOCIAL-LEGAL ESSENCE OF THE PROCEDURAL DOCUMENTS  
OFFICIALIZED AT THE STAGE OF PROCEEDINGS BEFORE THE COURT  
AND THEIR SIGNIFICANCE IN ENSURING CONSTITUTIONAL  
RIGHTS AND FREEDOMS OF THE PERSON

**Annotation:** In the article, the importance of procedural documents formalized at the stage of proceedings before the court in the process of investigation of criminal cases and the specific features of guaranteeing the constitutional rights and freedoms of individuals in the recording of evidence in a procedural form were discussed, and the existing problems were scientifically analyzed.

**Key words:** proceedings before the court, procedural documents, recording of evidence, consolidation of evidence, procedural formalization of evidence, application of legal norms.

**КИРИШ**

Республикамизда жиноят-процессуал муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки бузиш амалиётига барҳам бериш[4] борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Бу тамойиллар

Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган, аммо, яширишнинг ҳожати йўқ, улар амалда ҳозирча ўзининг тўлиқ ижросини топмоқда, дея олмаймиз. Бунинг муҳим сабабларидан бири суд ҳокимиятининг етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётгани билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугунги кунда юридик-ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шакллари тақомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, энг аввало, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини янада кучайтириш мақсадини кўзлаётганлиги шубҳасиздир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони[4] да давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш белгиланди.

Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритуви жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлари давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан чекланиши, поймол қилинишининг эҳтимоли кўп. Бу эса, ўз навбатида, ушбу жараён давомида қонун бузилишларининг олдини олиш учун қўшимча кафолатлар яратилишини талаб қилади.

Халқимиз томонидан қабул қилинган Янги таҳрирдаги Конституциямиз Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Халқчил Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустақамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улўғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш асосий мақсад этиб белгиланди[3].

Конституциямизда ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг ҳуқуқий мақоми тўлиқ

кафолатланиб, уларнинг бузишга ҳар қандай уриниш қонунда белгиланган жавобгарлик асосларини келтириб чиқариши қомусий кафолатланди.

### **МУЛОҲАЗАЛАР**

Жиноят процессининг замонавий моҳияти тарихий шароит, жумладан, этник, маданий, диний, иқтисодий ва бошқа омиллар таъсири остида шаклланган ҳамда жиноят ишлари бўйича иш юритиш, далилларни тўплаш ва процессуал расмийлаштиришга доир масалаларни қандай ҳал этиш лозимлиги ҳақидаги турли тасаввурлардан пайдо бўлган. Буларнинг барчаси процессуал фаолият шакллариининг хилма-хил бўлишига олиб келган.

Жиноят иши бўйича барча далиллар ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳар доим процессуал ҳужжатларда ўз аксини топмоғи даркор. акс ҳолда улардан исботлаш жараёнида фойдаланиш имконияти чегараланади. Исботлаш жараёнида тўпланган, баҳоланган, текширилган далиллардан улар мустаҳкамлангандан, яъни процессуал тарзда қайд этилганидан, расмийлаштирилганидан сўнг далил сифатида фойдаланиш мумкин. Тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси баённомалари далилларни процессуал мустаҳкамлаш воситалари бўлиб ҳисобланади. Далилларни мустаҳкамлашни мукамал таҳлил этиш учун уларнинг исботлаш жараёнида тутган ўрни ҳақидаги масаланинг очиб берилиши мақсадга мувофиқдир. Аввало, далиллар процессуал тарзда қайд этилмасдан туриб, далилларни шакллантириш жараёнини тугалланган деб ҳисоблаш мумкин эмас ёки илмий тил билан айтганда, исботлаш субъекти томонидан олинган ҳаёлий образ тарзидаги маълумотлар тушуниш учун мувофиқ шаклга айлантирилганидан кейингина исботлашда фойдаланилиши мумкин.

Далилларни мустаҳкамлаш, яъни процессуал ҳужжатларда қайд этиш исботлаш жараёнидаги энг муҳим босқичдир. Далилларни мустаҳкамлашни ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларни қайд этиш тизими сифатида ҳам тушуниш мумкин.[5]

Далилларни процессуал қайд этиш, яъни уларни мустаҳкамлаш бир-бири билан боғлиқ бўлган икки вазифани ўтайди: 1) далиллар ишончилигини таъминлаш; 2) жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Далилларни мустаҳкамлаш ЖПКда кўрсатилган талаблар асосида бажарилмаса далил номақбул деб топилади. Бизнинг давлатимизда инсоннинг кадр-қиммати, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари энг юқори ўринда туради. ЖПКнинг 17-моддасида инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланиши таъкидланган. Исботлаш жараёнининг энг эзгу мақсади ҳақиқатни аниқлаш

бўлгани туфайли, унга эришишда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазасига катта эътибор бериш даркор.

Далиллар нафақат тегишли бўлмаган, нопроект манбалардан олинганида, балки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиддий равишда бузилган ҳолларда ҳам номақбул деб топилиши лозим.[6] Шахснинг конституциявий ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ бўлмаган далилларни мустаҳкамлаш нуқсонлари ҳамда ҳақиқий маълумотлар ноқонунийлигига нисбатан бошқача ёндашув зарур. Ахборотларни олиш ва уларни қайд этиш қоидалари далиллар ишончилигини таъминлашга қаратилган, шунинг учун ҳам уларни баҳолаш ушбу умумий вазифани ҳал қилишнинг таркибий қисмидир. Агар йўл қўйилган қонун бузилишларини бошқа проектуал ҳаракатлар ўтказиш орқали бартараф этиш мумкин бўлса, улар жиддий эмас деб ҳисобланиши, яъни ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилишга таъсир этмаган деб эътироф этилиши, ушбу далиллар эса келгусида текширилиши ва баҳоланиши мумкин. Кўпинча бу амалиёт қонунда белгиланган далилларни қайд этувчи проектуал шаклга тегишли.

Масалан, гувоҳ сўроқ қилиш баённомасига терговчининг айби билан имзо чекмаган бўлса, терговда берган кўрсатувларининг тўғри ёзилганлигини судда тасдиқлаши, холис эса кўздан кечириш ўтказилишидаги ўз иштирокини судда гувоҳлантириши ва унинг кўрсатувлари тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этган бошқа шахсларни сўроқ қилиш орқали тасдиқланиши мумкин ва ҳ.к. Мазкур амалиёт далилларни мустаҳкамлашда проектуал шаклга риоя этмаслик ёки уларни менсимаслик деб баҳоланиши керак эмас. Проектуал шаклга риоя этмаслик оқибатлари хусусида қўшимча қилиб айтиш мумкинки, бундай ҳолларда прокурор ЖПКнинг 385-моддасининг 3-қисмига биноан ишни қўшимча терговга қайтариши, кассация инстанцияси эса ЖПКнинг 487-моддасига кўра жиноят-проектуал меъёрларни жиддий бузиш мавжуд деб эътироф этиши ҳамда шу асосга кўра жиноят ишини қўшимча терговга қайтариши ёки янги суд муҳокамасига қўйиши мумкин.

ЖПКнинг 95-моддаси 3-қисмида далилларнинг мақбуллиги шарти сифатида проектуал шаклга, яъни ЖПКнинг 92-94-моддаларига риоя этиш кўрсатилган. Шунинг учун проектуал қарорлар морфологик, стилистик ва қонун тили жиҳатидан аниқ, равшан ёзилган, тегишли ҳужжатда баён этилган бўлиши керак. Улар ҳуқуқий меъёрларни қўллашнинг шахсий-ҳуқуқий ҳужжатлари бўлгани учун ҳамма вақт қонуний, асосланган, сабаблари кўрсатилган, ишончли, мантиқий, саводли ва маданиятли, шунингдек яхлит ҳолда юқори савияда расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Судга қадар иш юритиш проектуал ҳужжатлари қуйидаги ҳолларда жиноят ва жиноят-проектуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳужжатлари бўлади.

✚ Биринчидан, жиноят иши бўйича жиноятни тергов қилиш давомида жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари билан белгиланадиган.

✚ Иккинчидан, жиноят ишини тергов қилиш жараёнида субъектив ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ғовлар пайдо бўлиши мумкин бўлганда. Бу ўринда жиноят-процессуал нормаларни қўллаш ҳужжатлари дастлабки терговнинг тегишли иштирокчилари ёки жиноят процессига жалб этилган бошқа шахслар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳаётга жорий этилишини таъминлаши керак.

✚ Учинчидан, процессуал асослар бўйича жиноят ишларининг тўхтатилиши ё жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳужжатида, ёхуд фақат жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳужжатида ўз ифодасини топганда.[7]

Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳужжатини ички ишлар органлари томонидан қўллаш ҳужжати жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки тўхтатилишига олиб келади, яъни тегишли юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи юридик фактдир.

Хусусан, дастлабки терговнинг ҳуқуқни қўлловчи жиноят-процессуал ҳужжати ушбу органнинг дастлабки тергов иштирокчиларига, кўп ҳолларда эса бошқа шахслар ва муассасаларга ҳам қаратилган ҳокимият иродасини акс эттиради.

## ХУЛОСА

Тергов процессуал ҳужжатларининг аҳамияти шундаки, ушбу ҳужжатлар асосида юзага келган жиноят-процессуал муносабатлар сабабли кўп ҳолларда мазкур органлар ва жиноят-процессуал фаолиятнинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқ нормасини бажарадилар, қўллайдилар ҳамда уларга риоя этадилар.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларини бошқа жиноят-процессуал меъёрларга риоя этмаган ҳолда қўллаш мумкин эмас, чунки ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш уларнинг тизимида юз беради. Терговчининг далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган процессуал ҳужжатлари, аввало, жиноят-процессуал нормаларни бажариш билан ифодаланади.

Судга қадар иш юритишнинг жиноят-процессуал ҳужжатлари жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида махсус талаблар сифатида бевосита ифодаланмаган, аммо жиноят процесси принципларидан келиб чиқадиган талабларга ҳам мос бўлиши керак.

Судга қадар иш юритишда жиноят процесси принципларини амалга ошириш дастлабки тергов олдига қўйиладиган вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир. Судга қадар иш юритиш фаолиятининг принциплари қуйидаги умумҳуқуқий демократизм, инсонпарварлик, қонунийлик, фуқароларнинг

тенглиги, мансабдор шахслар ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш эркинлиги принципларига таяниши шубҳасиздир. Айти пайтда терговчи ўз фаолиятини жиноят процессининг принципларига мос равишда амалга оширади.

Аммо судга қадар иш юритиш жиноят-процессуал ҳужжатларига қўйиладиган талаблар юқоридагилар билан чекланмайди. Мазкур ҳужжатларга қўйиладиган баъзи бир талабларни тергов-суд амалиёти илғор тажрибани инобатга олган ҳолда ва процессуал фан ифодалайди. Бундай талаблар асосан процессуал ҳужжатнинг ташқи (расмий) томонига тааллуқлидир. Жиноят-процессуал ҳужжатларга қўйиладиган талабларнинг ушбу гуруҳига уларнинг аниқлиги, саводлилиги, юқори даражадаги маданиятли тарзда расмийлаштирилганлигини киритиш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сонли фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони
5. А.В.Белоусов. Процессуальное закрепление доказательств при расследовании преступлений. –М.: Юрлитинформ, 2001. –В. 174.
6. Лупинская П. Основания и порядок принятия решений о недопустимости доказательств.// Российская юстиция.-1994. -№ 11. –В.42.
7. М.Э. Мўминов. Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф.– 2021.
8. М.Д. Ботаев. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – 2020.